

# "ЗАРАБОҒ" МАҲАЛЛАСИДА СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон ННТлари миллий ассоциацияси ҳузуридаги ЎННТларни қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг "Ёшлар лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш" мавзусининг "Ёшларни касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлашга кўмаклашиш" йўналиши бўйича "Тадбиркор ва ҳунарли ёшлар Янги Ўзбекистоннинг келажаги" номли лойиҳасини ушбу ҳудудда 30 нафарга яқин хотин-қизларга тикувчилик сирларини ўргатиб келаётган икки ойлик курс раҳбари О.Маматқулованинг хонадонида "Ўз бизнесингни ўзинг бошла" мавзусида бир кунлик семинар бўлиб ўтди. Унда ҳоким ёрдамчиси ва маҳалла фуқаролар йиғини раиси қатнашди. Семинарда тадбиркорлик қилиш истагида бўлган хотин-қизлар ўзларини қизиқтирган саволларга тегишли жавоблар олишди.